

МАЪЛУМОТНОМА

Нуробод тумани Ғазначилик хизмати бўлимида Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунига асосанхудудда жойлашган бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчилар томонидан 2025 йил 2-чорак давомида товар (иш, хизматлар)лар етказиб берувчилар билан тузилган 906 та 12 515 млн сўмлик шартномалар рўйхатдан ўтказилган.Шундан:

- “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуннинг 5-6-8-бобларига асосан электрон дукон, электрон аукцион ва электрон тендер савдолари натижалари бўйича шаклланган 722 та умумий суммаси 7 232 млн сўмлик,

- “Давлат харидлари тўғрисида” ги Қонуннинг 71-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари асосида тўғридан-тўғри тузилган шартномалар бўйича 69 та умумий суммаси 1 551 млн сўмлик,

- “Давлат харидлари тўғрисида” ги Қонун ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентабрдаги ПҚ-3953-сонли Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида»ги қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги Қарорининг тегишли бандлари бўйича тўғридан-тўғри тузилган 86 та умумий суммаси 3 431 млн сўмлик,

- “Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуннинг 72-моддасига асосан ягона етказиб берувчилар билан тузилган 29 та умумий суммаси 301 млн сўмлик шартномалар рўйхатдан ўтказилган.

“Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонуннинг 47-моддасига асосан ушбу рўйхатдан ўтказилган шартномаларнинг ягона реестридаги ахборот тўлов ундирилмаган ҳолда танишиб чиқиш учун очикдир.

Нуробод тумани Ғазначилик хизмати
бўлими бошлиғи:



Э.Наханов